

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари
маркази томонидан

“ ” 2025 йил

№ _____



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Samarqanddonmahsulotlari” AJнинг
2025 йил 2 майдаги Акциядорларнинг
умумий йиғилишининг 1-сон
баённомаси билан



**“SAMARQANDDONMAHSULOTLARI”
AKSIYADORLIK JAMIYATINING
USTABI**

(янги тахрир)

Самарқанд шаҳри- 2025 й.

I. Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартма номи, жойлашган манзили, ҳуқуқий ҳолати.

1.1. Тулик номи: “Samarqanddonmahsulotlari” aksiydorlik jamiyati;
қисқартирилган номи - “Samarqanddonmahsulotlari” AJ.

Жойлашган манзили (почта манзилгоҳи): 140133 Ўзбекистон Республикаси,
Самарқанд шаҳри, Зиёкор кўчаси, 4-уй.

Жамият сайти www.samdon.uz, электрон почта манзили:
samarqanddon@umail.uz; info@samdon.uz.

1.2. Акциядорлик жамиятини тузиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш,
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон
Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари ва
мазкур Устав билан тартибга солинади.

1.3. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган
алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фонди (устав капиталига) берилган
мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши
ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар
бўлиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик
шахс мақомига эга бўлади. Жамият, чекланмаган муддатга тўзилади.

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк
ҳисоб варақлари очишга ҳақлидир. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли
кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга
бўлиши мумкин. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда
жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг
ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Жамият
ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган
тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи
иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий
аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери, у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра
белгиланади. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон
почта манзилига эга бўлиши лозим.

1.6. “Samarqanddonmahsulotlari” AJ, бундан буён “Жамият”, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 22 апрел 1994 йилдаги “Ўздонмахсулот” Давлат
Концернини “Ўздонмахсулот” Давлат Акциядорлик Корпорациясига қайта тўзиш
тўғрисида”ги ПФ-840-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни
бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш қўмитасининг 1995 йил 27 апрелдаги
123-к-ПО-сонли қарорига асосан давлат мулкнинг қайта тўзилиши натижасида ташкил
қилинган.

1.7. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан
жавобгар бўлади.

II. Фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Акциядорлик жамиятини тузиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш,
акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон
Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари ва
мазкур Устав билан тартибга солинади.

2.2. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг
қуйидаги турларини амалга оширади:

- Ун маҳсулотлари, нон маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари, макарон
маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш (етказиб бериш), турли
корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш;

- Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етиштирилган дон маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- Ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;
- Омухта ем ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, сақлаш, қайта ишлов бериш, қадоқлаш ва сотиш;
- Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;
- Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

Бундан ташқари қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

2.3. Жамиятнинг асосий мақсади жамиятнинг умум хўжалик фаолиятидан фойда олиш ҳисобланади.

2.4. Шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари Жамият томонидан фақат керакли ҳужжатларни олгандан сўнггина амалга оширилади.

Ш. Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори, жамият акцияларининг сони, номинал қиймати. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Мазкур уставни рўйхатдан ўтказиш пайтига Жамият томонидан умумий қиймати 598 249 800 (беш юз тўқсон саккиз миллион икки юз қирқ тўққиз минг саккиз юз) сўмга тенг бўлган 331 677 (уч юз ўттиз бир минг олти юзи етмиш етти) дона оддий акция ва 684 (олти юз саксон тўрт) дона имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган бўлиб, акция номинал қиймати 1800 сўм.

3.4. Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1800 сўм бўлган 1 000 000 дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш, улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

3.9. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартириш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

3.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.12. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. Жамият акцияларининг турлари ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби.

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсмоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйча дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. Жамиятнинг захира фонди

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.


5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиз миқдорда жамият захира фонди тўзилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. Жамият бошқарувининг тўзилмаси



VII. Жамиятнинг бошқарув органлари.

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий

йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.4. Жамиятнинг ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этувчи орган.

VIII. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

8.1. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

8.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай июн охрига қадар ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

8.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кўзатув кенгаши томонидан белгиланади.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳақли. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

8.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши қонунчиликка асосан умумий йиғилишни чакирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик қўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига такдим этиладиган ахборот (материаллар) рўхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини ақс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

8.9. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият раиси, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида қворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади.

8.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чакирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

8.11. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига

етказилади. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тўзилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

8.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай умумий йиғилиш котиби икки нусхада тузади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

IX. Жамиятнинг кузатув кенгаши

9.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланади. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомда белгилаб қўйилади.

9.3 Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар қиради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш.

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистан Республикаси Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор

қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шубба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг назарда тутилган ҳолларда битимлар тўзиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўзиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қупайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қупайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

эмиссион қимматли қоғозлар чиқариш қарори ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал давлат рўйхатига олинган қимматли қоғозлар чиқариш қарори ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар киритиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва жамият “Қузатув Кенгаши” тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.4. Жамият қузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият қузатув кенгашининг миқдор таркиби 7 кишидан иборат. Жамиятнинг қузатув кенгаши аъзолари сайлови қумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.5. Жамият қузатув кенгашининг раиси ва котиби, қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан қузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг қузатув кенгаши, ўз раисини ва котибини қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.6. Жамият қузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, қузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият қузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини қузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.7. Жамият қузатув кенгашининг мажлисини чақариш ва ўтказиш тартиби:

- жамият қузатув кенгашининг мажлиси қузатув кенгашининг раиси жамият қўзатув кенгашининг мажлиси қўзатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият қўзатув кенгаши, раисининг жамият овоз берувчи

акцияларининг хаммаси бўлиб камида 5 % эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

- жамият кузатув кенгашининг мажлиси вазиятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши аъзолари, кузатув кенгаши томонидан таклиф қилинганлар: жамият бошқаруви раиси, жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5% га эга бўлган акциядор (акциядорлар) ва бошқа шахслар қатнашиши мумкин.

- кузатув кенгаши мажлисида жамият фаолиятига умумий раҳбарликка тегишли масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва мазкур уставга асосан кузатув кенгаши ваколатларига кирадиган масалалар ҳал қилинади. Жамиятнинг ижроия органи кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга тайёргарлик куриш жараёнида барча ҳужжатларни (маълумотларни) тайёрлайди ва такдим этади.

- Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

1) яқка тартибдаги ижроия органининг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес- режасини бажарилиш тўғрисидаги ҳисоботини;

2) жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги кооператив маслаҳатчи хулосасини;

3) жамият ички аудит хизматининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғри юритилиши, ижроия органи томонидан қонунчиликка, таъсис ва бошқа ҳужжатларга риоя этилаётганлиги, хўжалик фаолиятини юритишда ўрнатилган тамоил, қоидаларининг тўлиқлигини таъминланганлиги, активларнинг сақланганлиги, ҳамда жамиятни бошқаришда қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди ҳамда такдим қилинган ҳисоботларга асосан ҳисобот давридаги ижроия органининг фаолиятини баҳолайди ва тегишли қарорлар қабул қилади.

- Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг олтидан беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставига назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

- Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қабул қилинадиган қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасининг иккинчи ва туртинчи қисмларида, 30, 84, 88-моддаларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият уставига жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилади.

9.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай кузатув кенгашининг котиби тўзади. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (суров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Х. Жамиятнинг ижроия органи - бошқарув раиси

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставда белгиланадиган раис томонидан амалга оширилади. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, мазкур уставга ҳамда жамиятнинг “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги низомига таянган ҳолда фаолият юритади.

10.2. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно. Жамиятнинг бошқарув раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

10.3. Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган.

10.4. Жамият раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставда ҳамда унинг жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини ўзайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

10.5. Мазкур уставга асосан бошқарув раиси:

- акциядорлик жамият номидан ишончномасиз фаолият юритиш, бошқа ташкилот ва органлар билан алоқада унинг манфаатларини ифодалайди;
- ўз ваколати чегарасида мол-мулк, пул маблағларини тасарруф этиш;
- битимлар ва шартномалар, шу билан бирга меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб ва бошқа ракамлар очиш;
- ўзига бўйсинувчи барча ходимларга мажбурий бўлган фармон ва кўрсатмалар қабул қилиш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни тўлдириш;

- жамиятининг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлар сонини, жамият ходимларининг иш ҳақи фондини, иш ҳақи миқдорини аниқлаш;

- кузатув кенгашига филиал бошқарувчиси, корпоратив маслаҳатчи, жамият ички аудитор хизмати аудиторлари лавозимига номзодларни, ҳамда ташқи аудиторлик ташкилотини кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш, улар билан меҳнат шартномаларини (битимларини) тузиш ва бекор қилиш;

- ички меъёрий, локал ҳужжатларни ўз ваколати доирасига кирувчи жамият ҳужжатларини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

10.6. Мазкур уставга асосан бошқарув раиси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- лавозим мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, уставга, жамият ички меъёрларига ва локал ҳужжатларга, жамият билан тузилган меҳнат шартномасига таянган ҳолда фаолият олиб боради;

- жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкиллаштириш;

- акциядорлар умумий йиғилишига белгиланган муддатларда жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича йиллик ҳисобот ва жорий йилда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳисоботларни тақдим этиш;

- жамият кузатув кенгашига жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича чоракли ҳисоботларни, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳисобот, ҳамда кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалалар ҳолати бўйича ҳисобот бериш;

- жамият молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши ва аудитори талабига биноан тақдим этиш;

- акциядорларнинг амалдаги қонунларда назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва олиш ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамиятнинг барча бўлимлари, цехлари ва таркибий бўлинмаларининг иш самарадорлигини оширишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш;

- жамият ижроия органининг мажлисларини ўтказишни ташкиллаштириш ва уларга раислик қилиш;

- жамиятнинг келгуси мавсумда жамият ривожланишининг бизнес-режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, жамиятнинг тасдиқланган жорий бизнес-режасини бажаришни ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

- жамият томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга етарли даражада фойда олинишини таъминлаш;

- жамият томонидан шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботларнинг аниқлилигини ва тегишли равишдаги ҳолатини ташкиллаштириш, тегишли органларга давлат статистик ҳисоботларни, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида топширишни таъминлаш;

- жамоа шартномасини тўзишда иш берувчи бўлиб катнашиш, мўзокараларда ижроия орган аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш;

- жамоа шартномаси мажбуриятлари ва жамиятнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилинишни таъминлаш;

- жамиятда меҳнатни ҳимоя қилиш меъёрлари, техник хавфсизлик, меҳнат ва технологик интизомга риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятнинг технологик ускуналари ва бошқа активларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш;

- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибалари ва қобилиятларидан аъло даражада фойдаланиш бўйича чора - тадбирлар кўриш;

- жамиятнинг тижорат сирларини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- узоқ муддатли хизмат сафарлари ва таътил вақтларидан фойдаланишни кузатув кенгаши билан келишиш. Кузатув кенгашига ўзи йўқлигида унинг вазифасини бажарувчи ҳақида хабар бериш.

10.7. Жамиятнинг бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

10.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамият раиси билан тузилган шартномани шартнома шартларини бузган тақдирда тўғатишга (бекор қилишга) ҳақли. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

XI Корпоратив маслаҳатчи

11.1 Жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

11.2 Корпоратив маслаҳатчи Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

11.3 Корпоратив маслаҳатчи, Жамият ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, Жамият фаолиятида корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

11.4 Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XII. Жамиятнинг ички аудит хизмати.

12.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор;

12.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди;

12.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади;

XIII. Аудиторлик ташкилоти

13.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади;

13.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

XIV. Якуний қондалар.

14.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

14.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

14.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

14.4. Мазкур уставда кўрсатилмаган жамият фаолиятига тегишли бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

“Samarqanddonmahsulotlari” AJ

Бошқарув раиси



Т.Худойбердиев